

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон
Республикаси Қурилиш
вазирлиги ҳузуридаги
жамоатчилик
кенгашининг раиси
Ю.Магруппов**

2022 йил “27” сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги
жамоатчилик кенгашининг 2022 йил йиғилиш баёни**

2022 йил 27 сентябрь

Тошкент ш.

Раислик қилди: Ю.Магруппов – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг раиси

Қатнашдилар: Жамоатчилик кенгаши ўринбосари ва аъзолари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан бош лойиҳа институтларининг 2021 йилда ишлаб чиққан, шаҳар ва шаҳарчалар, батафсил режалаштириш лойиҳаси ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари муҳокамаси тўғрисида.

(Магруппов, Аҳмедов, Норматов, Сапаев..... Магруппов)

2022 йил дастурига мувофиқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини (бош режа, АПОТ, ЦДП ва б.) ишлаб чиқишнинг жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш тўғрисида:

1. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Элбаён шаҳарчасининг бош режа

ва батафсил режалаштириш лойиҳаси;

2. Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Гулбоғ шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси;
3. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Бўйрачи шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси;
4. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Озод Ватан шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси;
5. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчасининг бош режа лойиҳаси;
6. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Қарсоқли шаҳарчасининг бош режа ва марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасининг муҳокамаси.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг раиси Ю.Магруппов томонидан олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги

“2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3502-сон қарори, Қурилиш вазирлигининг 2022 йилда ишлаб чиқилиши режалаштирилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг “Манзилли рўйхат”и асосида ишлаб чиқилган ва бугунги кун тартибида кўриб чиқилиши белгиланган шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳалари тақдимотини амалга ошириш учун йиғилиш очиқ деб эълон қилинди.

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори И.Хасанов сўзга чиқиб, кун тартибидаги 1-масала, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Элбаён шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори А.Каримов сўзга чиқиб, кун тартибидаги 2-масала, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Гулбоғ шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори А.Каримов сўзга чиқиб, кун тартибидаги 3-масала, Хоразм вилояти, Шовот тумани, Бўйрачи шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори И.Хасанов сўзга чиқиб, кун тартибидаги 4-масала, Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Озод Ватан шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори Х.Файзиев сўзга чиқиб, кун тартибидаги 5-масала, Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчасининг бош режа лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Лойиҳалар бош архитектори И.Хасанов сўзга чиқиб, кун тартибидаги 6-масала, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Қарсоқли шаҳарчасининг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилиши юзасидан ҳисобот берди.

Ҳисобот жараёнида қуйидагилар кўриб чиқилди:

1. Худудларнинг асосий кўрсаткичлари:

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК бош лойиҳа ташкилоти томонидан бош режа

ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шаҳар ҳамда шаҳарчаларнинг вилоят ва туман ҳудудида жойлашиш ўрни, географик ҳолати, ҳудуд рельефи, сейсмик ҳолати, геологик хусусиятлари, шамол йўналиши, мавжуд табиий ресурслари, муҳандислик тармоқ ресурслари ва аҳолининг бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, буюртмачи, вилоят ва туман ҳокимлиги, тегишли идора ҳамда ташкилотлар мутахассисларининг, жамоатчилиқнинг, маҳалла фаолларининг лойиҳалар бўйича фикр ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳамда бош режа лойиҳаларининг дастлабки чизмалари ўрнатилган тартибда мутасадди ташкилот ва муассасалар билан келишилган.

Жумладан:

бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида шаҳар ва шаҳарчаларнинг асосий кўрсаткичлари, шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий, халқ хўжалиги, саноат салоҳияти, ишчи ресурслари, табиий-экологик муҳитининг, вилоят ва туманнинг мазкур соҳалардаги ривожлантириш дастурлари инобатга олинган;

лойиҳани бошлаш даври, ҳисоб даври, шаҳарчанинг лойиҳавий ҳудуди, аҳоли сони, худудларнинг кенгайиши, шаҳарча аҳолисининг барча қулайликларга эга

турар жой, муносиб иш ўринлари яратиш, таълим олиш, даволаниш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш, инфратузилма объектлари ва транспорт-

муҳандислик тармоқлари билан таъминланишини амалга ошириш учун амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидаларидан келиб чиқиб, лойиҳавий ечимлар инobatга олинган.

2. Шаҳар ва шаҳарчаларни режалаштиришнинг асосий меъморий ечимлари.

Бош режаларнинг асосий мақсади, шаҳарчаларни ихчам, ҳар томонлама қулай аҳоли пунктига айлантиришда қуйидаги лойиҳалаш ишлари инobatга олинган:

1. Шаҳарчанинг барча тизимларини мужассам тарзда шакллантириб, уларни бир-бирига қулай тарзда боғлаш.

2. Уй-жой ҳудудларини тартибга солиш, икки поғонали, яъни шаҳарчанинг марказий қисми ҳамда кичик туман қисмларига ажратиш.

3. Функционал ҳудудларни ажратиш ва аҳолига қулай бўлишига эришиш.

4. Функционал ҳудудларни хизмат кўрсатиш объектлари билан таъминлаш, пиёдалар ва транспорт тизимлари орқали бирлаштириш.

5. Мавжуд ҳудудларни янги шакллантирилаётган ҳудудлар билан боғлашда, аҳоли учун қулай йўллارни топиш, шу ҳудудларни босқичма-босқич ривожлантириш

ва улар орасидаги мавжуд тафовутни қисқартириш ҳамда уйғунлаштириш.

3. Функционал ҳудудлаштириш.

Шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудий чегарасини лойиҳавий айланма йўллар, каналлар, зовурлар ва ҳудудларнинг жойлашуви асосида аниқ кўрсаткичларга қадар кенгайтириш, шаҳар кўчаларини шаҳар ва туман аҳамиятидаги автомобиль йўлларига ажратиш ва яхлит транспорт тизимини ҳосил қилиш, муҳандислик тармоқларини ушбу йўлларнинг яшил майдонларида жойлаштириш, фаолият турига мувофиқ функционал ҳудудларни ташкил қилиш, кичик ҳудудларда инфратузилма объектлари, бирламчи хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари билан таъминлаш, лойиҳанинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган.

4. Аҳоли истиқомат қилувчи турар жой ҳудудлари.

Бош режа лойиҳаларида, шаҳар ва туман аҳамиятидаги кўчалар шаҳарча ҳудудларини турар жой ҳудудларига ажратади. Ҳар бир турар жой ҳудудида маҳаллий маъмурий-хўжалик бинолари, мактабгача таълим муассасалари,

ўрта мактаблар, савдо-маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари, спорт ва дам олиш майдончалари ташкил қилинган.

5. Аҳолининг турар жой фонди билан таъминлаш даражаси.

Бош режа лойиҳаларида республикамизда шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида аҳоли яшаш ҳудудларини атрофга кенгайтиришни олдини олиш мақсадида, ер майдонларининг ўзлаштириш ишларини ихчамлаштириш, бино ва иншоотларни юқорига, яъни қаватлар баландлигига эътибор берган ҳолда аҳолини турар жой биноларига бўлган эҳтиёжларини қондириш инobatга олинган.

Бунинг натижасида аҳолини турар жой фонди билан таъминланиши, уй-жой фондининг қисқариши ҳамда ҳисоб даврида биноларнинг қаватлар кесимидаги таъминланиш даражалари кўрсатилиб, уларга қўшимча имкониятлар тарзида кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларида нотурар жой фонди шакллантирилиб, якка тартибдаги тадбиркорлик ва савдо-маиший хизмат шохобчалари жойлаштирилганлиги кўрсатилган.

6. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамрови ва сифатини ошириш.

Бош режа лойиҳаларида шаҳар ва шаҳарчалардаги мавжуд тиббиёт муассасалари (поликлиника, хусусий шифохона, стоматология, врачлик пунктлари ва бошқа)нинг шаҳарсозлик маъёрий талаблари асосида ташкил этилиши ўрганиб чиқилиб, лойиҳавий режа бўйича аҳолининг тиббий эҳтиёжларини таъминлаш даражаси ва мавжуд ҳолатдаги ўрганишлар натижаси асосида ушбу тиббиёт муассасаларини қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш, қўшимча қурилиш қилиш тавсия этилган.

Шу жумладан, шаҳарчанинг кенгайтишига тушган ҳудудлар учун қўшимча тиббиёт муассасаларини жойлаштириш ҳамда бошқа хизмат турлари (поликлиника, тез тиббий ёрдам, туғруқхона бўлимлари, оилавий поликлиника, санитария-эпидемиологик осойишталик, жамоат саломатлиги хизмати ва б.) ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш учун режалаштирилганлиги билдирилди.

7. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Бош режа лойиҳаларида ҳудудлардаги мавжуд ҳолатни ўрганган ҳолда

I, II ва III тоифа саноат корхоналарини шаҳар ташқарисига чиқариш ва IV, V тоифа корхоналарни янги шаҳарчанинг саноат-ишлаб чиқариш ҳудудига кўчириш, ушбу ерларни танланишида шамол йўналишига боғлиқ бўлган ҳолда зарарли таъсирини олдини олиш, вилоят маркази ва бошқа аҳоли пунктлари билан транспорт ва логистика алоқаларининг қулай бўлиши, кенгайтириш имкониятининг қулайликлари ҳамда янги саноат ва ишлаб чиқариш

худудларида бинолар ва иншоотларни (қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш база ва омборхоналари, транспорт ва логистика корхоналари, автобазалар, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар) ривожлантириш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш ҳудудини ривожлантириш билан шаҳар ва шаҳарчаларда янги иш ўринларини яратилишига, аҳолини иш билан бандлигини таъминланишига, ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш шароитини яхшиланишига сезиларли ҳисса қўшиши баён этиб берилди.

8. Аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш қамрови ва сифатини ошириш.

Бош режа лойиҳаларида ҳудудни шаҳар ва туман миқёсидаги автомобиль йўлларига ажратилиши, маҳаллий ва ички хўжалик йўллари тоифаларини белгилаб олиш ҳамда уларда транспорт тармоғининг қатнови ва интенсивлиги бўйича ривожланиш даври кўрсаткичларини самарали тақсимлаш режалаштирилган. Шаҳар ва туманлар аҳамиятидаги магистрал йўлларга ёндош ҳолда пиёдалар ва велосипед юриш йўлаклари ҳам лойиҳалаштирилиб, кичик туман марказлари аллеялар ва булварлар орқали боғланиб туриши режалаштирилган.

Тегишли тоифадаги магистрал кўчалар шаҳар ва шаҳарчаларни кесиб ўтиши эҳтимоли бўлган ҳолатларда айланма йўллар билан транспорт тармоғини шаҳар марказидан ва аҳоли яшаш жойларидан санатар-ҳимоя ҳудудлар билан сақланиши режалаштирилган. Шу жумладан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб магистрал йўллар бўйлаб хизматлар турларини кенгайтириш, ҳудудларда, айниқса, туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш масалаларида ўз ечимини топганлиги акс эттирилган.

9. Яшил майдонлар ва спорт-соғломлаштириш ҳудудлари.

Ишлаб чиқилган бош режа лойиҳаларида шаҳар ва шаҳарчалар учун марказий маданият ва истирохат боғлари, кичик яшил ҳудудлар ҳамда дам олиш хиёбонларини жойлаштирилганлиги, бундан ташқари, ҳар бир турар жой ҳудуд марказларида пиёдалар йўлаги, велоёйлақлар, автомобиль йўллари, шунингдек, санитария ҳимоя ҳудудлари инobatга олинганлиги, маданият ва истирохат боғларининг бошқа яшил ҳудудлар билан ўзаро боғланиши натижасида ҳудудларнинг яхлит яшил тизими ҳосил қилинган. Бунинг натижасида мавжуд яшил майдонларнинг лойиҳа ҳисоб даврида киши бошига кўкаламзорлаштирилган яшил тизим майдони ошишига эришилган.

10. Шаҳарчанинг экологик ривожлантирилиши.

Шаҳар ва шаҳарчаларда экологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиш омилларини камайтириш мақсадида экологик талабларга мос равишда лойиҳада қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- экологик талаблардан келиб чиққан ҳолда аҳоли турар жой ҳудудлари билан саноат корхоналари ҳудуди оралиғида санитар-ҳимоя ҳудудини барпо этиш;

- транспорт инфратузилмасини техник ва технологик томондан қайта жиҳозлаш, қурилиш ва энергетика комплексларини янгилаш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор бериб, аҳолини яшил ҳудудларга бўлган эҳтиёжини меъёрий талаб кўрсаткичларига етказиш;

- ер, ҳаво, сув ҳолатини ифлосланишини, вертикал ва горизонтал дренаж қувурларни ифлосланишини олдини олиш, канал ва сув иншоотлари қирғоқларини бетонлаш ва улар устидан назоратни кучайтириш;

- саноат-ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиль йўли, қабристон, сув ҳавзалари санитар-ҳимоя ҳудудларини меъёрий талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва кўкаламзорлаштириш.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш натижасида лойиҳанинг ҳисоб даврига келиб, санитар-муҳофаза ҳудудларининг умумий майдони ҳар бир кишига меъёр даражада тўғри келишини таъминлаш инobatга олинган.

11. Ижтимоий соҳадаги кўрсаткичлар.

Ишлаб чиқилган бош режа лойиҳалари бўйича аҳолининг ижтимоий соҳа объектларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари амалдаги меъёр ва талабларга мос равишда, лойиҳаларнинг ҳисоб даврига, мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари, шифохоналар, поликлиника, савдо дўконлари (озик-овқат/ноозик-овқат), умумий овқатланиш шохобчалари, клуб, маданият саройлари, кинотеатрлар, меҳмонхоналар, маиший хизмат ва сервис шохобчалари ва бошқа биноларнинг ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш қувватлари тўғрисида маълумотлар кўзда тутилганлиги аниқланди.

12. Муҳандислик тармоқлари ва техник инфратузилма соҳаси бўйича лойиҳа ечимлари.

Тақдимоти амалга оширилган лойиҳаларда шаҳар ва шаҳарчаларнинг муҳандислик тармоқлари (электр, газ, иссиқлик, ичимлик ва оқова сув) билан таъминланиши учун олиб бориладиган бирламчи тадбирлар қуйидагилардан иборатлиги акс эттирилган:

- муҳандислик ва техник инфратузилмаларнинг ҳар бир тури бўйича мавжудларини таъмирлаш ва умумий таъминланганлик даражасини кўтариш;

- энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш ва инженер-техник ресурсларни бошқариш;

- муҳандислик тизимларини мустаҳкамлиги ва узоқ муддатга хизмат қилишини таъминлаш.

13. Санитар тозалаш:

Шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудини чиқиндилардан тозалаш, уларни йиғиш, вақтинчалик сақлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш билан боғлиқ комплекс санитар-гигиеник жараёнлар амалдаги ШНҚ 2.07.01-03* ва Ўз.Р СанПиН №0350-17 талабларига асосан амалга оширилади.

Чиқиндихоналарга яқин ҳудудларда кичик чиқинди саралаш заводларини жойлаштириш, чиқинди орасидан металл, полиэтилен, пластик, шиша, қоғоз, текстиль ва бошқаларни ажратиб олиш ва ишлаб чиқариш қорхоналарига етказиш тавсия қилинган. Бунинг натижасида, ишлаб чиқариш қорхоналарини арзон хомашё билан таъминланиши ва маҳсулот таннархини арзонлашишига ҳамда чиқиндихона ҳудудининг муддатидан олдин тўлишини олдини олиш тўғрисидаги тавсиялар ўз аксини топган.

Тақдим этилган бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларининг муҳокамалари якунида ҳудудий ҳокимлик ва мутасадди ташкилот, муассаса раҳбарларининг таклифларини эътиборга олинган ҳолда

Кенгаш қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси, амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидаларга риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган:

1. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Элбаён шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, ушбу баённинг 1-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

2. Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Гулбоғ шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, ушбу баённинг 2-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

3. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Бўйрачи шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, ушбу баённинг 3-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

4. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Озод Ватан шаҳарчасининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, ушбу баённинг 4-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

5. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчасининг бош режа лойиҳаси, ушбу баённинг 5-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

6. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Қарсоқли шаҳарчасининг бош режа ва марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳаси, ушбу баённинг 6-иловасида келтирилган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқлашга тавсия этилсин.

7. Вилоятлар, туманлар ҳокимликлари мутасадди ташкилот ва идораларни жалб этган ҳолда тасдиқланган шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, илова қилинган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. Мазкур баён ҳамда иловада назарда тутилган талаблар ва меъёрларга амал қилиниши устидан назорат жамоатчилик кенгашининг аъзоси “Қишлоққурилиш лойиҳа” МЧЖ раиси И.Аҳмедов зиммасига юклансин.

Кенгаш баёнини олиб берди



С.Сапаев